

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

ГЕРБИОН® ПЛЮЩ СИРОПИ

Препаратнинг савдо номи: Гербион® плющ сиропи

Таъсир этувчи модда (ХПН): Печак баргининг қуруқ экстракти

Дори шакли: сироп

Таркиби:

фаол модда: печак баргининг қуруқ экстракти. 1 мл сироп 7 мг печак баргининг қуруқ экстракти (*Hedera helix L., folium*) (5-7,5:1) сақлайди;

Экстрагент: Этанол 30% (м/м);

ёрдамчи моддалар: суюқ сорбитол (кристаллизацияланмаган) (E420), глицерол (E422), натрий бензоати (E211), лимон кислотаси моногидрати (E330), хушбүйлаштирувчи бальзам (пропиленгликол, этанол, цитронелла мойи, цитрал, лимон мойи, кашнич мойи), тозаланган сув.

Таърифи: Ўзига хос ҳидга эга бўлган сарғиш-жигарранг сироп. Чўкмалар мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гурухи: Шамоллаш ва йўтал симптомларини бартараф қилиш учун препаратлар. Балғам кўчирувчи препаратлар, йўталга қарши воситалар билан мажмуалардан ташқари.

АТХ коди: R05CA12.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Препарат ўзи билан биологик фаол моддалар (тритерпен сапонинлар) мажмуасини сақловчи оддий печак баргининг қуруқ экстрактини тақдим этади, шу муносабат билан фармакокинетик тадқиқотларнинг ўtkазилишини имкони мавжуд эмас.

Фармакокинетикаси

Препарат ўзи билан биологик фаол моддалар (тритерпен сапонинлар) мажмуасини сақловчи оддий печак баргининг қуруқ экстрактини тақдим этади, шу муносабат билан фармакокинетик тадқиқотларнинг ўtkазилишини имкони мавжуд эмас.

Қўлланилиши

Гербион® плющ сиропи ўзи билан қўйидаги балғам кўчирувчи воситалар сифатида қўлланилувчи келиб чиқиши табиий бўлган дори препаратини тақдим этади:

- шилимшиқ секрецияси кучайишли йўтал ва қийинлаштирилган нафас олиш билан кузатиб борилувчи нафас олиш йўлларининг ўтқир шамоллаш касалликларида;
- бронхларнинг сурункали шамоллаш касалликларини зўрайишини енгиллаштириш учун.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалаш тартиби

Катталар ва 12 ёшдан катта бўлган ўсмирлар учун оддий доза кунига 3 марта 5-7,5 мл сиропни ташкил қиласди.

Болаларда қўлланилиши

4 ёшдан 12 ёшгacha бўлган болалар учун оддий доза кунига 3 марта 5 мл сиропни ташкил қиласди.

1 ёшдан 4 ёшгacha болалар учун оддий доза кунига 3 марта 2,5 мл сиропни ташкил қиласди.
1 ёшгacha бўлган гўдаклар учун оддий доза кунига 2 марта 2,5 мл сиропни ташкил қиласди.

Күллаш усули

Ичга, овқат истемол қилишдан қатыи назар.

Сиропни эрталаб ва куннинг иккинчи ярми бошида қабул қилинг.

Препаратнинг дозаланиши дозаловчи пластик қошиқча ёрдамида амалга оширилади.

Гербион® плюшч сиропи препарати билан даволаш даврида сув ёки кофеин сақламайдиган бошқа илиқ ичимликларни кўп миқдорда истемол қилиш тавсия этилади.

Даволаш давомийлиги касаллик туси ва унинг оғирлигига боғлиқ бўлади ва одатда 7 кунни ташкил қиласди. Препаратни касалликни клиник белгилари тойиб бўлгандан кейин яна 2-3 кун қабул қилиш тавсия этилади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар (тери тошмаси, тери қичишиши, диспноэ, анафилактик реакциялар) эҳтимоли бор. Меъда-ичак йўли томонидан бузилишлар: кўнгил айниши, қусиш, диарея (тез-тезлиги номаълум) ҳақида хабар берилган.

Оғир ножўя ҳолатлар юзага келиши ҳолатида препарат билан даволашни тўхтатиш керак.

Кўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик, аралия оиласига мансуб гиёҳларга нисбатан юқори сезувчанлик.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Гербион® плюшч сиропи препаратининг бошқа дори воситалари билан дориларнинг ўзаро таъсири ҳақида хабарлар йўқ.

Препаратни балғам ҳосил бўлишини камайтирувчи йўталга қарши препаратлар билан бир вактда қўллаш ярамайди, чунки бу суюлтирилган балғамнинг кўчиб чиқишини қийинлаштиради.

Махсус кўрсатмалар

Гербион® плюшч сиропи препаратини йўриқномада тавсия этилган дозалардан юқори дозаларда қабул қилиш ярамайди.

Қийинлаштирилган нафас олиш, иситмали қалтираш, узоқ муддатли йўтал ёки қон аралашмали балғам билан кузатиб борилувчи нафас олиш аъзолари касалликларида дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарурдир.

Гастрити ёки меъда яраси бўлган пациентларда эҳтиёткорликка риоя қилиш тавсия этилади. 7 кун давомида Гербион® плюшч сиропи препарати билан даволаш фонида самаранинг мавжуд бўлмаслиги ёки ҳолатнинг ёмонлашишида шифокорга мурожаат қилиш зарурдир.

Болалар

Тургун ёки даврий йўтали бўлган 4 ёшгача бўлган болаларда даволашни ўтказгунга қадар ташхис кўйилган бўлиши керак.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Гербион® плюшч сиропи препаратини ҳомиладор аёлларда ва эмизикли оналарда печак баргларининг қуруқ экстракти қўлланилиши бўйича етарлича маълумотлар мавжуд бўлмаслиги муносабати билан ҳомиладорлик вактида ва эмизиш даврида уни қўллаш тавсия этилмайди.

Автомобилни ва мураккаб механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири

Гербион® плюшч сиропи препаратини транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсири кузатилмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Препаратнинг тавсия этилган дозалардан юқори дозаларда қабул қилиниши (суткалик дозанинг икки мартадан ортиғига ошириш) кўнгил айниши, қусиш, диарея ва тўлқинлашиши чақириши мумкин. Даволаш симптоматик ҳисобланади.

Чиқарилиш шакли

150 мл сиропдан суюқликни бўлувчи пластмасса тикин ва биринчи очишни назорат қилишли пластик қопқоқ билан ёпилган тўқ шишадан флаконда.

1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўрикнома билан биргаликда пластик ўлчов қошикчаси билан картон пачкага жойлаштирилади.

Сақлаш шароити

25°Cдан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Сиропни флакон очилгандан кейин 3-ойлик муддатда қўллаш керак.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмаръешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситасини сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қиласиган ташкилотнинг номи ва манзили:

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» Ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99878 150 2828, +99878 150 2929, телефон: +99878 150 1044